# Областимиз давлатга 1.000 тонна пилла топширди

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 117 (1379)
16 ИЮНЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН





Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг ўртоқ Т. Абдуллаева бошлиқ бригадаси аъзолари 75 гектар майдондан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётирлар. Бу курашда ишчан механизатор Ҳикмат Айметов олдинда бораётир. Ҳозир у ғўзаларни учинчи марта кўндалангига культивация қилаётир. Суратда: ўртоқ Ҳ. Айметов.

В. Салов фотоси.

## Пилла—олтин бойлигимиз

Пилла — олтин бойлигимиз, саноатимиз учун қимматбаҳо хомашёдир. Юртимиз қишлоқ хўжалигининг қадимги тармоқларидан бири бўлган пиллачилик «оқ олтин» — пахтамиз каби халқимизнинг миллий ифтихори, унинг интернационал бурчи ҳисобланади. Мамлакатимизда тайёрланадиган пилла ҳосилининг ярмиси республикамизда етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ҳар бир хонадоннинг она — Ватанга баҳорги қимматли совғаси пилла ҳосили билан бошланади.

Пилла — ипак жилваси халқимиз фаровонлигининг сайқалидир. Халқимизнинг нафис кийимлари ва бошқа ноёб нарсалари пилла маҳсулотидан ишланади. Атлас чўғи, бахмал товланишлари ана шу асл маҳсулотнинг кўрку-қимматини кўз-кўз этиб туради.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари пилла ҳосилини йилдан-йил кўпайтириш учун ўзларининг бутун куч ва билимларини сафарбар этиб келмоқдалар. Буни рақамлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Областимизда 1958 йилда бир қути уруғдан 39 килограмм пилла ҳосили етиштирилган эди. Бу йил бизнинг областимизда эса ҳар қути уруғдан 55 килограммга яқин пилла тайёрланди. Областимизнинг кейинги ўн йил мобайнида биринчи марта баҳорги қурт боқиш билан йиллик планини ошириб бажарганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Областимиз пиллачилари шу кунларда ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил давлатга қўшимча равишда камида 140 тонна пилла сотиш, ҳаммаси бўлиб она—Ватанга 1020 тонна пилла етказиб бериш ва шу йўл билан бу йил ҳосилдорлик жиҳатидан 1961 йил учун белгиланган даражага етиб олишга аҳд қилдилар.

Бугун областимизда 1000 тонна пилла тайёрланди! Бу зафарли рақамда областимиз пиллачиларининг ажойиб меҳнати, пилладан мўл ҳосил етиштиришда новаторлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Ўз мажбуриятларини ошириб бажарган колхозлар, совхозлар, бригадалар ва звенолар давлатга қўшимча равишда пилла совғаларини элтмоқдалар. Пилла тайёрлаш йиллик планининг ошириб бажарилиши — областимиз меҳнаткашларининг жонажон партиямизга, севимли Ватанимизга, қаҳрамон халқимизга бўлган буюк садоқат ва ватанпарварликларининг ёрқин далилидир.

Пиллачиларимиз пилла қуртини боқишда олимлар маслаҳати ва илғорлар тажрибаси асосида самарали иш олиб бордилар. Бу йил оқ хитой пилла қурти уруғи боқилиб, яхши натижаларга эришилди. Шу билан бирга пиллачиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб берилганлиги, социалистик мусобақа кучайтирилганлиги, қуртхоналар доимо нормал температурада сақлаб турилганлиги, баргдан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги — пилла тайёрлашдаги муваффақиятларнинг гарови бўлди.

Калинин районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи комсомол аъзоси Ҳанифа Зиёдова, Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи Латифа Мирубоева ўртоқлар қуртларини жадал усул билан тўйдириб боқиб, 18-19 кун деганда дастаға киришига эришдилар. Бу илғор пиллачилар ҳар қути пилла уруғидан 130 килограммдан ошириб ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Областимизда пилла тайёрлаш топшириқларини 200-250 процентдан ва ундан ошириб бажарган илғорларнинг ҳисоби бениҳоядир.

Пилла тайёрлаш йиллик планини бажаришда областимизнинг айрим районлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Пилла тайёрлаш йиллик планини Мирзачўл райони 150,5 процент, Верхне-волинск район — 150, Қуйи Чирчиқ райони — 145,1 Ўрта Чирчиқ райони — 140,5 Боёвут райони 137 процентга етказиб бажардилар. Бошқа бир қанча районлар ҳам бу соҳада ортда қолмадилар. Лекин барча имкониятлар мавжуд бўлганлигига қарамай, давлатга пилла тайёрлаш ишини чўзиб юборган, ўз ваъдасининг устидан чиқмаётган районлар ҳам йўқ эмас. Бундай районларга Бекобод, Бўка, Юқори Чирчиқ, Пискент районлари, Оҳангарон, Олмалиқ ва Янгиер шаҳарларини кўрсатиш мумкин. Бу районлар областимиз бўйича пилла тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилганлигига қарамай, ўз мажбуриятларининг уддасидан чиқа олмай, орқада қолиб келмоқдалар. Илғор районларнинг тажрибаси — пилла тайёрлаш планини орқага суришга ҳеч қандай важ бўлмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Областимиз меҳнаткашлари, партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари пилла тайёрлашдаги дастлабки муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмай, қолган пилла ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай, давлатга топшириш учун, астойдил курашишлари зарур, шу билан бирга бутун куч ва имкониятларини қишлоқ хўжалигининг ҳамма экинларидан, биринчи навбатда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этишлари керак.

Областимизда пиллачиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуддир. Хўжаликнинг бу тармоғига кўп эътибор берилса, етти йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятни 3-4 йил ичида бажариш, Тошкент областини республикамизнинг пиллачилик соҳасида етакчи областларидан бирига айлантириш, пилла етиштиришни 1965 йилга бориб 2 минг 860 тоннага етказиш ва шу тариқа Андижон областига етиб олиш ва ундан ҳам ўзиб кетиш мумкин. Бу вазифа — областимиз меҳнаткашлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

## Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетида

**Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети ғўза ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парвариши юзасидан қилинган ишларга якун ясаш ва бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида шу йил 4 июлда Янгийўл шаҳрида область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашини ўтказишга қарор қилдилар.**

**Кенгашда олинган социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан 1959 йилдаги вазифалар муҳокама қилинади.**

**Кенгашда иштирок этиш учун область қишлоқ хўжалик илғорлари ва мутахассислари, колхозлар, совхозлар, районлар ҳамда область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари таклиф этилади.**

## Ҳосилни 45 центнерга етказамиз

Областимиз пахтакорлари бу йил биринчи навбатда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтириш учун астойдил бел боғлашди. Ана шу мақсадда эллик центнерчилар ҳаракати ҳам кучайтириб юборилди. Бригадамиз аъзолари ҳам шу ҳаракатдан четда қолмайлик, эллик центнерчиларга қўшилайлик, деб айтишди. Ҳозир 84 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш мақсадида ғўзамизни икки томонлама кетмонсиз парвариш қилаяпмиз.

Эллик центнерчилар ҳаракатини бошлаб берган машҳур пахтакор Ғанишер ака Юнусов бизнинг қўшнимиз бўлади. Яқинда биз унинг пахта далаларида бўлдик. Ғанишер ака бизга июнь ойида қилинадиган ишлар ҳақида яхши маслаҳатлар берди. У ердан бригадамизга қайтиб келганимиздан кейин ғўзани тунда суғоришга, иккинчи озиқлантиришни тез кун ичида тугаллашга жиддий киришдик.

Ҳозиргача ғўзамизни икки марта комплекс ишловдан чиқардик. Бундай ютуқни қўлга киритишда Ё. Исмоилов, И. Мустафоев каби аъзоларимиз ўзларини кўрсатишди.

Бригадамизга бириктилган қудратли техника бизнинг узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда. Биз техникадан пахта териш ишида ҳам унумли фойдаланмоқчимиз. Шу мақсадда 45 гектар майдондаги ғўзани алоҳида парвариш қилаяпмиз. Ана шу ерда етиштирилган пахта ҳосили машинада териб олинади.

Бригадамиз хўжалик ҳисобига кўчган. Шунинг учун ҳар бир центнер пахтани етиштиришга иложи борича камроқ меҳнат сарфлашни мўлжаллаяпмиз. Йил бошида тузиб олган планимизга кўра ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун 3 тадан меҳнат сарф қилишимиз керак. Ҳозирги кунда олиб бораётган ҳамма ишимиз шу мақсадга эришишга қаратилган.

Июнь ойи ғўза парваришида муҳим давр. Чунки бу ойда шоналар гулга, гуллар кўсакка айлана бошлайди. Агар июнда ғўза парвариши бўшаштириб юборилса, суғориш ва қатор ораларини ишлаш сифатсиз ўтказилса, ҳосилнинг бир қисми йўқолади. Биз шуни назарда тутиб, бутун куч ва имкониятларимизни ғўза парваришига тўла сафарбар қилдик.

Бригадамизга андижонлик пахтакорлар келишганида ишимиздаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб беришган эди. Биз ўша кунларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни бўшаштириб юборган эканмиз. Бу камчилик мусобақадош пахтакорлар томонидан аниқлангандан кейин ана шу ишга 1 та трактор ажратиб қўйдик, ҳозир зараркунандаларга қарши кураш олиб борилаяпти.

Колхозимизда Нажмиддин ака Эркабоев сингари ишнинг кўзини билган бригадирлар бор. Биз улар билан тез-тез маслаҳатлашиб турамиз. Фойдали таклифлар чиқиб қолса, уни дарров амалга оширамиз. Яқинда бўлиб ўтган бир суҳбатимизда учинчи озиқлантиришни ўтказиш муддати ҳақида гап борди. Шунда биз бу тадбирни июль ойининг биринчи ярмида ўтказишга қарор қилдик. Чунки ғўзага бу муддатдан кечикиброқ ўғит солинса, ҳар бир шох қайтадан нахлаб, ғўза ҳаддан ташқари ўсиб кетади. Ўсимликка шамол ва қуёш нури тегиши қийинлашиб қолади.

Гапнинг қисқаси, олинган социалистик мажбуриятимизни тўла бажариш учун астойдил курашамиз ва ҳар бир гектар ердан мўлжалланган миқдордаги ҳосилни олиб, областимиз бўйича 460 минг тонна пахта етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

**М. ИСОҚУЛОВ.**

**Гулистон районидаги «Красный восток» колхозининг бригада бошлиғи.**

## Ишни сусайтириб юбордилар

Баъзи кишилар бўладики, топширилган вазифани бажаришда озроқ муваффақиятга эришгач, ҳамма нарсани қойил қиляпмиз, деб беҳуда хотиржамликка бериладилар. Ўртоқ Хусанбой Ўринбоев бошлиқ бригада тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин.

Бу бригада колхозда чигит экишни биринчилар қатори тугаллаган эди. Афсуски, бригадир, аъзолар ана шу дастлабки ютуқни мустаҳкамлаш учун изчиллик билан ишни давом эттирмадилар. Чигит ердан униб чиққач, энди бундан буён кўнглимизни тўқ қилиб, меҳнат қилаверсак ҳам бўлади, деб нотўғри кайфиятга берилиб кетдилар. Тўла гектар учун курашилмади. Натижада бригаданинг мавжуд 76 гектар пахта майдонидан 12 гектарига экилган чигит жуда сийрак бўлиб қолди. Ўт босган ғўзалар ҳам бригадада 1 — 2 гектарни ташкил этади. Бироқ шунга қарамай, бригада аъзолари ишни кучайтириш тўғрисида бош қотирмаётирлар. Суғориш ишлари ёмон, агротехника қоидалари бузилмоқда. Шуниси ачинарлики, бу бригадада ҳалигача ғўзанинг биринчи парвариши тугалланган эмас.

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг ҳамма бригадаларида ҳам ғўза парвариши ана шундай эмас, албатта. Бу ерда культивация, озиқлантириш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб ўтказиб, ғўзасини ёппасига шоналатиб олган бригадалар ҳам бор. Ўртоқ Хусанбой Ўринбоев бошлиқ бригада эса колхозни орқага сурмоқда. Ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Бироқ бригада аъзолари ҳафсаласизлик қилиб, мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини хавф остида қолмоқдалар.

**М. ОЙДИНОВ.**

## Ғанишерчилар мўл ҳосил учун курашда

— Ҳамма қувончимиз, ҳузур-ҳаловатимиз пахтадан, — дейишади Верхне-волинск район пахтакорларининг қайсиси билан учрашманг. Бу ҳақ гап. Шу кунларда Куйбишев номли, Карл Маркс номли, Свердлов номли колхозлар ва «Социализм» совхози пахта далаларига борсангиз, бу фикрнинг тўғрилигини исботлайдиган ишларни кўрасиз.

Куйбишев номли колхоз аъзолари пахта майдонларини ва ҳосилдорликни муттасил ошириб бораяптилар. Шунинг натижасида колхоз экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб, кишиларнинг турмуш даражаси тобора яхшиланаяпти. Колхоз аъзолари пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтириш ишига бу йил жиддий киришдилар. Буни биргина Ҳакимжон Рустамов бошлиқ бригада аъзолари олиб бораётган кураш мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин.

Ўтган йили бригада аъзолари ҳар гектар ердан 35,8 центнердан пахта ҳосили йиғиб олишган эди. Областимизда элликцентнерчилар ҳаракати бошлангандан кейин улар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Пахтакорлар ҳозирги кунгача ўзларига бириктилган 92 гектар ердаги ғўзани икки марта парваришдан чиқариб, ҳосилдорликни 50 центнерга кўтариш йўлида дастлабки ютуқни қўлга киритишди.

Райондаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Жаҳон Бадалов бошлиқ бригадасида ҳам ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириш учун актив курашилаяпти.

Свердлов номли колхознинг ўртоқ Сариев бошлиқ бригадасида ҳам юз гектар майдондаги ғўза деярли кетмонсиз парвариш қилинаяпти. Ер янги, ҳали яхши ишланиб, тобига келмаган бўлишига қарамай, бригада аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун аҳд қилганлар.

«Социализм» совхози пахта далаларида ҳам иш қизғин. Бу ерда ўртоқ Эргаш Шарипов бошлиқ бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати аниқ кўзга ташланади.

— Еримизнинг анчагина қисми, — ҳикоя қилади Эргаш ака, — янги очилган. Шу сабабли бу йил гектар бошига 40 — 50 центнердан ҳосил оламиз, деб айтишга ботинолмадик. Аммо бригадамиз аъзолари яхши ишлашаяпти. Биз ҳосилдорликни 35 — 40 бўлмаса ҳам 30 центнерга етказамиз.

Совхознинг бошқа бригадаларида ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида сидқидиллик билан меҳнат қилинаяпти. Пахтакорлар дала ишларининг ҳамма турларини бирбирига боғлаб олиб бораётирлар.

**Б. ТЕШАБОЕВ,**
**С. ДАУЛБОЕВ,**
**З. БОСИМОВ,**
**С. ЖЎРАЕВ.**

☆ ☆ ☆

Мақсуд ШАЙХЗОДА

## ПАХТАКОР ВА ШОИР

(Суҳбат)

**Ҳурматли пахтакор дўст,**
**Республикам китобин —**
**Ҳуснига сен ўзинг кўз,**
**Ўзинг — юртнинг арбоби!**
**Замона — азиз замон,**
**Шу вақт ўзи қаҳрамон!**
**Сен билан биз шодмон**
**Яхшиликдан сўзлайлик,**
**Яхшиликни кўзлайлик!**
**Етти йил достонида,**
**Коммуна бўстонида**
**Шу баҳор илк босқичдир,**
**Шарафли бошланғичдир!**
**Пахтамиз арзон бўлсин,**
**Қалбимиз мезон бўлсин!**
**Кетмонга «хайр» дейилсин,**
**Омоч билан ҳамқатор**
**Музейларга қўйилсин.**
**Машинага биз хуштор!..**
**Ҳозир бошқа замона,**
**Ҳозир янги тарона!**
**Энди қўлнинг қадоғи**
**Ботирликка рамз эмас,**
**Ҳозир ютуқ яроғи**
**Машинага чамбарчас...**
**Кўрсат ҳиммат ўрнагин,**
**Техникани эгалла!**
**Азиз ўртоқ, ҳормагин!**
**Машинани эгарла!**
**Экиш, боқиш, парвариш...**
**Уларга сен устасан.**
**Ижодга баравар иш,**
**Унутмайсан асти сан.**
**Сенга нима ўргатай?**
**Журъат ҳам қилолмайман!**
**Фақат шиор тарқатай:**
**— Пахтангни кутар Ватан!..**

**Сен билан биз касбдош —**
**Коммуна қурмоқликда.**
**Ҳамшаҳармиз ва йўлдош**
**Уфққа юрмоқликда.**
**Сен пахта яратасан,**
**Мен-чи: сени кўраман.**
**Сен ҳосил кузатасан,**
**Мен — қўшиқни тераман.**
**Дейсан: пахтам бўлсин оқ!**
**Мен — оҳанглар излайман.**
**Дейсан: кунлар бўлсин чоқ,**
**Мен кунларни тезлайман.**
**Иккимизнинг темамиз**
**Шу давр-у, шу замона,**
**Чунки бизнинг кемамиз**
**Шерикли ва ягона.**
**Мавзуинг сенинг пахта,**
**Меникичи: Пахтакор...**
**Сен ўйлайсан мен ҳақда,**
**Шеъримгачи: сен даркор!**
**Юрт бўлсин деб чиройлик**
**Келтирасан сен бойлик.**
**Тони бўлгай дил гўзал**
**Келтираман мен ғазал.**
**Сен пахтанинг шоири,**
**Мен шеърнинг деҳқони,**
**Яхшиларнинг сен бири,**
**Мен — яхшилар жазмони.**
**Омон бўлсин, семирсин**
**Даламизда шоналар,**
**Тўсиқларни емирсин**
**Майдонда мардоналар.**
**Мард кишига ярашар**
**Аҳдга вафо ва сабот,**
**То берайлик баравар**
**Элга мағрур ҳисобот.**

## Миришкор сувчининг тажрибаси

Биз Орифжон акани кечки пайт, катта картага сув тараётганида учратдик. Миришкор сувчи бой тажрибаға эга.

— Орифжон ака, кўп йиллардан бери сувчилик қилар экансиз, бу соҳадаги тажрибаларингиздан сўзлаб берсангиз, — илтимос қилдик биз.

— Суғоришда фақат бир нарсага қатъий амал қилиш керак. У ҳам бўлса,— жавоб бера бошлади Орифжонака,—сув ҳеч қачон эгасиз қолмаслиги лозим, негаки ғўзани гуркиратиб яшнатадиган ҳам сув, уни эзиб, ҳосилига путур етказадиган ҳам сув. Шундай бўлгандан кейин тараган сувингнинг тепасида турмасанг, иш бузила беради. Бир жойни кўллатиб, иккинчи жойга сув етказолмай қийналасан, киши. Шунинг учун ҳам бир картага сув таралганда то оёқламагунча жойимдан жилмайман.

Орифжон ака Охунов чиндан ҳам тўғри гапни айтди. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз сувчилари унинг тажрибаси асосида ишлаб барча майдондаги ғўзаларнинг қониб сув ичиши, гуркираб яшнаши учун курашмоқдалар. Қодир Қобилов, Додажон Аҳмаджонов, Асрор Маҳмудов сингари ўртоқлар кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳисса бажараётирлар.

Шу кеча-кундузда Орифжон ака сувчилик қилаётган 5 бригаданинг пахта далаларида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. 90 гектар ердаги ғўза ёппасига шоналаган. Бригада аъзолари гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан камида икки-уч центнерданга ошириш учун аҳд қилганлар.

**Б. БЕКБОЕВ.**

## *Механизациядан унумли фойдаланилаётир*

**Оржоникидзе.** Бу йил Ленин номли колхоз аъзолари 795 гектар ерга чигит экқан эдилар. Дастлаб 400 гектар ернинг чигити квадрат-уялаб жойлаштирилди. Қолган майдонларга тор қаторлаб чигит экилиши механизациядан кенг фойдаланишга тўсқинлик қиладиган бўлиб қолди. Шу сабабли колхоз аъзолари чигит униб чиқиши билан оддий усулда экилган ерларда ҳам квадратлар ҳосил қилишди.

Ҳозирги кунда барча майдондаги ғўза икки томонлама кетмонсиз парвариш қилинаётир. Колхоз аъзолари биринчи галда механизациянинг кучига таяниб, ҳар гектар ердан 37,5 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олишган.

Шу кунларда далаларда иш қизғин. Икки марта ишлов берилган ям-яшил квадратлар гуркираб ўсиб, текис шонага кирди. Пахтакорлар олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш мақсадида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш олиб бораяптилар.

Райондаги «Ленинград» колхози далаларида ҳам ғўза асосан кетмонсиз парвариш қилинаётир. Ўртоқ Мурод Обидов бошлиқ бригада аъзолари ўзларига бириктилган 70 гектар майдонда пландаги 30 ўрнига 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашаяптилар.

**А. ҚАЮМОВ,**
**В. ДАҚИБОЕВ,**
**Ҳ. МУҚИМОВ.**

## Механизаторлар ҳиссаси

«Пискент» совхозининг 3-бўлим ишчилари, механизаторлари фидокорона меҳнат қилиб, 520 гектар ерда мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бўлим коллективи барча майдонда кетмон ишлатмай ғўзани механизация воситасида парвариш қилиш, шу йўл билан сарфланадиган харажатларни камайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Бу аҳднинг уддасидан чиқиш учун механизаторларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берилган. Улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Бу мусобақада механизаторлардан С. Тошматов, К. Турсунов ўртоқлар олдинда бормоқдалар. Улар ҳар куни 8 ўрнига 10—12 гектардан ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб, ўз касбдошларига намуна бўлмоқдалар.

— Бизда ҳар бир механизатор,— дейди ўртоқ С. Тошматов,— бу йил мавсумда 1000 гектардан ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган. Биз бу мажбуриятни сон кетидан қувиш билан эмас, балки сифатини ҳам ўрнига қўйиш билан бажарамиз. Чунки, ғўза парваришининг сифати кўнгилдагидек бўлса, ҳосилимиз мўл бўлади.

Бўлим механизаторлари мана шу сўзга амал қилиб, ҳам унумли, ҳам соз ишламоқдалар.

**О. ЭШОНҚУЛОВ.**

## *Область колхоз ва совхозлари тухум сотиш йиллик планини бажардилар*

**Тошкент область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга тухум сотиш ярим йиллик планини муддатидан олдин — 15 июнда бажардилар.**

**Ҳозир давлатга ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 2 миллион 66 минг дона кўп тухум топширилди. Давлатга тухум сотиш давом этмоқда.**

